

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 426-ҳадис

1. Абу Хурайра розияллоху анҳу ёки Абу Саид ал-Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

(Ровий шак қилди. Лекин саҳобалар наздидаги шакнинг зарари йўқ. Чунки уларнинг барчалари одилдир.)

«Табук ғазотида одамлар оч қолиб кетишиди. «Эй Аллоҳнинг Расули, изн берсангиз, сувчи туяларимизни сўйиб еб, ёғини ғамлаб олсак», дейишиди. Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Майли**», дедилар. Шу пайт Умар келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, агар бунга рухсат берсангиз, улов камайиб кетади. Қолган егуликни опкелтириб, барака тилаб, Аллоҳга дуо қилинг, шояд, Аллоҳ барака берса», деди. Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Хўп**», дедилар ва бир чарм тўшама опкелтириб, ёздилар. Сўнгра қолган егуликларни опкелтирдилар. Бирор бир ҳовуч жўхори, бошқа киши бир ҳовуч хурмо, яна бошқаси бир бурда қотган нон олиб келди. Ҳалиги тўшамада шулардан иборат озгина егулик тўпланди. Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга барака тилаб дуо қилдилар. Кейин:

«Идишларингизга солинглар», дедилар. Улар идишларига солишиди, ҳатто қўшинда тўлмаган бирорта идиш қолмади. Тўйгунча ейишиди, озгина ортиб ҳам қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва мен Аллоҳнинг Расулиман. Банда Аллоҳга мана шу икки нарсага шак қилмаган ҳолда йўлиқса, жаннатдан тўсилмайди», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

